

Зулайхо АЛИМОВА,
Ўзбекистон Жаҳон тиллари
университети катта ўқитувчиси,
фалсафа фанлари номзоди

АБУ МАНСУР АЛ-МОТУРИДИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Мовароуннахр диёри IX – X асрларда ниҳоятда гуллаб яшнаган. Илм маърифатга қизиқишлар инсонлар орасида ортиб борган. Бу даврдаги уламолар орасида етишиб чиққан калом илмининг буюк мутафаккир “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” юсак унвон шарафига сазовар аллома Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир. У 870 – 944 йилларда Самарқанд яқинидаги Мотурид қишлоғида туғилиб умрининг охиригача шу ерда яшаб ўтган. Буюк имом, фикҳ олими, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси ақида фанидаги сунний ҳанафий йўналишида илмий маърифий изланишларини мотуридия мактабига асос солган ҳолда яратган. Кейинчалик унинг маънавий шогирди Насафийдан сўнг, мусулмон оламида “Мотуридия калом мактаби”, деган номда ўзининг ўчмас изини қолдирган. Шарқ уламолари орасида “Имом ал-худа”, “Имом ал-мутакаллимин” (“Ҳидоятга етакловчи имом”, “мутакаллим олимлар имоми”) номлари билан машҳур бўлиб улуғланган. Мотуридийнинг фикҳ ва калом масаларидаги илмий мероси

соғлом эътиқодга, мустаҳкам илм ва ақидага таянгандир. Унинг илми ҳанафий уламолари томонидан ривожлантирилган ва шогирдлари ўша даврдаги заминимизда пайдо бўла бошлаган турли хил йўналишлардаги ақидавий оқимларни кириб келишларига тўсқинлик қилган. Ҳаттоки, шогирдлари ўзларининг устозларини қадрлаб, вафотидан сўнг қабр тошига ушбу битикни муҳрлайдилар: “Бу қабр нафаслари микдордаги илмларни ўзида жам этган, бор кучини у илмларни тарқатиш ва ўрганиш билан тугатган, бас, шунинг учун диний асарлари мактовга сазовор бўлган ва ўз умридан серҳосил меваларни олишга эришган зотнинг қабридир. “Мотуридий яшаган даврда уламолар Қуръони каримдаги суралар, оятлар, ҳадисларга асосланишган, саҳобаи икром, тобеинларнинг ижмо ва ижтиҳодларига нақлий далилларига таянганлар. Сўнгра эса, ақлий далилларга суянган ҳолда фикр юритганлар. Лекин буюк имом Абу Ҳанифа мазҳабидаги олимлардан дарс олганлиги, машҳур фақиҳ ва муҳаддислардан ўрганган илми бошқаларга тақлид қилмай, нақлий далиллар билан ақлий далилларни янада такомиллаштириб, шундан

кейингина хулоса чиқарганлар. Илмийлик, мантикий изчиллик ва ундаги бирикмалар орқали ифодалаш, ғоявийлик билан изоҳлаган. Шогирдларига берган ўғитларида ҳам инсон ва илм, ундаги кенглик масалаларини, ўз мулоҳазаларида эҳтиёткорликни ўзгалар ғоясига нуқтаи назарларини аввало, ҳолисона текшириб кўриб, диний дунёвий қарашларидаги мақбул келадиган томонларини фикр-мулоҳазаларини мақсадли мушоҳадаларга баён этишга ундайдиган аллома бўлган.

Инсон ўз ақлига кўра иш тутати, оламни билади ва Роббисини танийди. Аммо, оламни билиши, танишида йўл қўядиган хатоликлари, камчиликларини инсоннинг ўз ихтиёри қўлида қолади. Чунки инсон фаолияти давомида айнан, ўз олдига қўйган мақсадлари, хатти-ҳаракатларининг субъектив ва объектив билиш, ақл, ҳиссий мушоҳадаларда мантикий йўналтирилган ҳолда бошқариш узвий боғлиқдир. Унинг бир қанча китобларидаги асосий муаммолар, масалан: “Китаби ат-тавҳид”, “Таъвилот ал-Қуръон ал-карим”, “Китоб ал-мақолат”, “Китоб радд ал-авоил ал-адилла лил Каъбий”, “Китоб радд таҳзиб ал-жадал лил Каъбий”, “Китоб баён ваҳм ал-муътазила”, “Китоб фир радд алал қаромита” ва бошқа асарларида ҳам инсонни инсон сифатида етакчи ўринга чиқаради. Хусусан, шарқ олими Зубайдий “Итҳоф ас-саодат ал-муттакин фи шарҳ ихё улум ад-дин” номли асарида Мотуридийни шундай тилга олган: “Имом ал-Мотуридий дин учун курашувчи, аҳли сунна вал-жамоа ақоидини мустаҳкамловчи олим эди. У муътазилийлар ва бошқа турли оқимларнинг эътиқодларига кескин зарба берарди. Мотуридий улар билан бўлган баҳс-мунозараларда шундай йўл олиб борардики, оқибатда уларнинг оғзини “ёпиб” қўярди. Шу сабабли, ўша давр уламолари уни “Имом ал-худа” деб аташарди”. [Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳазбий. Ал-Мотурдия: диросатин ва тақриман. Ар-риёд: “Дор ас-самний”, 2000. Бундан кейин: Ҳазбий Мотуридия. – Б.98]. Араб олими Абдуллоҳ ал-Муроғий ўзининг “ал-Фатҳ ал-мубийн фи табақот усулиййн” номли асарида Мотуридий ҳақида шундай деган: “Абу Мансур ниҳоятда ҳужжати кучли, тортушувда эса олов каби шиддатли мутакаллим ҳамда мусулмонлар

ақидасини астойдил ҳимоя қилувчи шахс эди. У бетакрор илми билан адашганларнинг шубҳаларига раддия берар ва соф ислом ақидасини ўзига аралаштириб юборган бидъат ғоялардан тозалар эди”. [Муроғий, Абдуллоҳ Мустафо. Ал-Фатҳ ал-мубийн фи табақот усулиййн. Иккинчи нашр – Қоҳира: IV жидлик I/193].

Шайх Абул Қосим Ҳасан ан-Надавий ҳам ўзининг “Рижол ал-фикр вад даъва” номли асарида Мотуридийни шундай сифатлайди: “Мотуридий инсоний фикрларнинг билимдони эди. У ўзининг зийраклиги ва заковати билан бошқалардан алоҳида ажралиб турувчи ва кўплаб илмий фанларни мукаммал эгаллаган олим эди”. [Надавий, Абул Ҳасан. Рижол ал-фикр вад даъва. Дамашк: “Матбаа ал-жомиа”. 1960. – Б. 139.] Мотуридий таълимоти муътазилийлар пайдо бўлганидан сўнг, уларнинг қарашларига раддиялар бера бошлаган. Айни шу даврда калом илмининг ашъарийлар асосчиси Абул Ҳасан Али ибн Исмоил Ашъарий (873 – 935) ҳам муътазилийларга қарши илмий мантикий, диний фалсафий йўналишида таълимотларини ривожлантирганлар. Аввалида, у Муътазилия таълимотининг вакили бўлган. Кейинчалик бу қарашларидан воз кечган. Мотуридия ва Ашъария таълимотлари ўзаро яқин ва иттифоқдир. Улар замондош бўлсалар-да, лекин бир бирларини танимаганлар. Ашъарий Басрада туғилиб, таълимотларини Ироқнинг Бағдод шаҳрида яратган. Мотуридий ҳеч қачон ўзи туғилиб яшаган жойларини тарк этмаган. Аммо тақдир тақозоси билан иккилари ҳам мутаассиб оқимлардан муътазилия ва хорижия таълимотларига қарши курашганлар. Уларнинг ғоявий курашларида Қуръон, ҳадислар, ижмо ва қиёсни ақлга суяниб, мантикий изчилликни давом эттиришган ҳол юз берган. Ҳар бир аҳли сунна вал-жамоага тегишли илм марказларида мотуридийлик ва ашъария қарашларига ўзаро мужассам бўлган ҳамоҳангликда тарғиб қилинган. Лекин улар ўртасида ихтилофлар мавжудки: жузъий, маъновий, лафзий ва имон масаласида бўлиб, айни дамда бу қарашлар ўзаро ҳам бир бирларини тўлдириб келгандир. Масалан: лафзий ихтилофда Ашъарий Муҳаммад Мустафо (с.а.в) пайғамбаримиздан

хадисни келтириб: “Бахтли онасининг қорнида саодатли қилинган кишидир, бадбахт онасининг қорнида бадбахт бўлган кишидир”, яъники ашъарийлар фикрича: ким бадбахт бўлса, бас, у бадбахтлар қилмишларига эришади. Кимса гар бахтлилардан бўлса, баски фақатгина саодатмандлар амалларига эришади. Маълумки, ҳанафийлик мазҳабида яхши ният, бахтли инсон, Аллоҳдан умидли кунлар масаласи ҳақида сўз юритилганда, “иншоаллоҳ” калимаси келтирилади. Ашъарийлар фикрича: бахтли кишининг бадбахт ва бадбахт кишининг бахтли бўлишини қарама қарши фикрларида баён этириб, инкорни инкорига суянади.

Маъновий ихтилофда эса: “...Эй, Раббимиз, биздан илгари ўтганларнинг зиммасига ортган машаққатни бизнинг зиммамизга ортма!...” Аллоҳ ҳар бир бандасини яратган экан, уни тоқати етмайдиган нарсага мажбурлаш йўқ. [Қуръони карим. Бақара сураси: 286-оят] Мотуридийлар: оятга кўра иш тутиб, инсонни тоқати етмайдиган нарсага, Аллоҳдан сўралганда ҳам у мўмин бандасини ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, бандалик бурчини тўлиқ бажара олмаслигини яхши билади. Албатта, Аллоҳнинг афви, мағфирати ва раҳматидан умид этган ҳолда ёлворади. Ашъарийлар фикрича: Аллоҳ бандасига тоқати етмайдиган нарсани юклаши мумкин. Чунки оятнинг давомида буни даллилаб: “...Эй, Раббимиз, тоқатимиз етмайдиган нарсани бизга юклаб ташлама!...” деб келтирилган.

Мотуридий ва мотуридийлик мактабининг қарашларига кўра, имон икки нарсанинг ислом кишилари учун ислом динига чуқур ишониш иқрор билан сўзда тан олишдир. Ҳазрат Абу Ҳанифанинг фикрларича, амалларни мутлақ инкор этмасдан, лекин уни бажармаслиги мўмин ва мўминаларни асло имондан чиқармайди. Илк ислом даврида исломга имон келтирган мусулмонлар кейинги даврларда нозил бўлган фарз амалларни бажаришга улгуриша олмаган. Уларни вафотларидан кейин нима бу мўмин мусулмонларнинг имони мукамал ҳисобланмайдими? Бу мантикка ўта зиддир. Мўмин, мўмина, муслим, муслима – бу икки сўз бир бирин тўлдириб, ўзаро чамбарчасдир. Агар бу сўзларни камарбасталигини йўқотилса,

мантикка зид, ақлсизликдир, – дейди мотуридийлик уламолари. Уларнинг фикрича имоннинг шarti: “Имон – Муҳаммад (с.а.в), Аллоҳдан етказган нарсаларга тил билан иқрор қилиб, қалбан ишониш, тасдиқлаш”. Қалб тасдиғи имоннинг ажралмас қисми. Имон зиёдалашмайди ва камаймайди. Ашъария таълимоти ва Имом Шофеий ақидасига мувофиқ, имоннинг шартига кўра, амал киритилган. Уларнинг нуқтаи назарларига кўра, имон кўпайиб ёки камайиб туради. Саъдиддин Тафтазонийнинг “Шарҳ алмақосид ат-толибин” асарида келтирилишича: “Имонни тасдиқдан иборат, дегувчи жумхур уламолар, ўз навбатида, имоннинг кўпайиши ва камайишини инкор этадилар.” Умуман олганда, имон ва амал масалаларида ўта эҳтиёткор бўлиш лозим. Нозик бўлган бу қарашлар ислом динида тортушувли, баҳсли ва нихоятда муҳим масалалардандир. Абу Ҳанифанинг содиқ издоши, маънавий шогирди Мотуридий ўзининг мантикий фикрлашидаги услуби ва мотуридия мактабининг устози сифатида эса ҳанафия мазҳабини мўъжизакорлик билан мутлақ ғаройиб усулдаги ҳаётбахш мазмун моҳияти билан бойитди. Бунда у урғуни фалсафа, ислом дини ва мантикка, инсон ақл заковати ва тафаккурини имкониятлари чексиз эканлигига қаратди.

Фалсафа, диншунослик ва мантик фанларини ўқитишда Имом ал-Мотуридий, даврлардан оша келаётган ўзига хос таълимотини ўрганиш муҳим ва имон масалалари ҳозирги кун талабалари учун ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда. Турли хил замонавий ақидапарастлар, мутаассиб гуруҳлар бугунги кундаги эътиқодий муаммоларни, бидъатчи ва хурофатчи тоифаларга қарши курашда эса ихтилофларда, келишмовчиликка, адашиш ва янглишилардан қайтаришга илм ва билим билан тўғри илмий ҳолисона ёндошишга ўргатади. Ўта муҳим ва нозик имон масаласи, мотуридия мактабининг илмий меросини ўрганиш талабалар диний фалсафий онглариини ўстиришда, фаолиятларида назарий ва амалий билимлар мажмуида эътироф этилиши, уларни янада чуқурроқ ўрганилиши ҳозирги давримизнинг талабидир.